

Мусулмон хаётига кинофильмларнинг таъсири

Муъминларни кўзларини харомга карашдан кайтарган Аллохга хамду санолар, "Кўзнинг зиноси караш" деб айтган пайгамбаримизга, унинг ахли байти, саҳобалари ва ул зотга Киёматгача яхшилик билан эргашганларга салоту саломлар бўлсин.

Бу мавзу машхур даъват олимларидан бири томонидан дарс килиб ўтилган. Устоз дарсни бошлашларидан олдин, толибларидан бири кискача мукаддима килган сўнгра дарс бошланган. Мазкур мукаддимадан бир бўлагини шу ўринда келтириб ўтамиз:

В. И. Ленин партия мажлисларидан бирида коммунистларга қараб: «Коммунистлар ичида коммунизмга энг кўп хизмат киладиган ким?», деб савол беради. Шунда атрофидагилар баъзи бир фаол коммунистларни тилга олишганларида, Лениннинг ўзи саволига жавоб бериб: «Коммунизм учун энг кўп хизмат киладиган бу кинематографдир, чунки у мингта тартибли коммунистни коммунизмга киладиган хизматини ёлғиз ўзи килади», деб айтган. Унинг сўзидан киночининг жамиятга бўлган таъсири канчалик эканлиги англашилмоқда. Ленин кино хақида ўз замонасининг кинематографиясига қараб айтган. У замондаги кинолар бугунги киноларга солиштирилса анча «такводор» кинолар бўлиб қолади. Ўша замонда, ўша жамиятда кинонинг жамиятга таъсири хақида шундай сўзлар айтилган бўлса, бугунги кинонинг жамиятга таъсири хақида нима деса бўлади.

Устоз дарсни бошлаб айтадиларки: «Кадим-кадим замонлардан бери Одам алайхиссалом ва Иблис лаъанахуллох ўрталарида қураш, бир-бирларига бўлган қарама-қаршилиқ давом этиб келмоқда. Ер юзида мусулмон бор экан Шайтон ва

унинг инсу-жиндан бўлган лашкарлари ўртасида кураш давом этаверади. Кофирлар мусулмонларни диндан чиқариш, динларини йўқотиш учун, динларини коллок, хозирги замонга тўғри келмайдиган дин ёки огир, амал килиб бўлмайдиган дин килиб кўрсатиш учун ва бундан бошқа гаразлар йўлида мусулмонларга қарши турли-турли хийлалар қилишади. Кофирларнинг макр-хийлаларининг энг катталаридан бири кинофильмлардир. Кинофильмлар таъсири билан бутун жамиятни ўзгартириб юбориш мумкин.

Бугунги кунда телевизор ва видеоманитофонга эга бўлиш муаммо эмас. Йигирма, йигирма беш йил олдин кино кўрмоқчи бўлган одам кечкурунни кутар, кўчага чиқиб кинохона кассаси олдида навбатда турар, агар машхуррок кино бўлса ур-тўполон билан чиптани ўз нархига ёки кимматроққа сотиб олар сўнгра кино томошасига қирар эди. Аммо бугунги кунда хоҳлаган пайтда, исталган кинони кўриш чой ичишдан кўра енгилроқ бўлиб қолди. Бугунги кунда телеканалларнинг ҳисобига ҳам етиб бўлмаяпти. Телевизор қаршисига чиройли ўрнашиб ўтираётган одам, мен бир иймонимни қувватлантириб олайин деган нияти йўқлиги ҳам махфий эмас. Ундай бўлса нима учун ўтирдингиз?, деб сўрашни хоҳати бўлмаса керак, чунки бу маълум нарса?!

Бугунги кунда "АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хиндистон ва Русия кинофильмлари иймонни қувватлантиради", деган фикрни, — алхамдулиллах — ҳеч ким кўтармайди. Бугунги кунда кинофильмлар мусулмонлар хонадонларининг ичкари-ичкариларга қириб кетдики ҳатто энг ичкари ётоқхоналаригача қузатиб, ухлатиб кўядиган қилиб қириб қолди. Шундай экан кинофильмлардан қайтариш у ёқда турсин у ҳақда гап очишдан ожиз қоласиз.

Биз бугунги дарсимизда кинофильмларнинг мусулмонга зарарлари хакида сўз юритамиз, кейин фильмларнинг мусулмонга фойдаси канчаю зарари канчалигини ўзингиз хулоса килиб оласиз.

Фильм томоша килиш мусулмоннинг калбини тебратади, калкитади

Биз: «Эй калбларни тебратгувчи Зот калбимни динингда мустахкам кил, саботли килгин», яъни иймонимиз калкиб турмасин, безовта бўлмасин, бизда якийн бўлсин («якийн» бу худди ховузда сув қарор топгандек иймон калбимизда қарор топсин), деб Аллоҳдан сўрашга буюрилганмиз. Кинофильмлар мусулмоннинг калбини тебратиб юборади. Қандай килиб тебратмасин?! Холбуки, фильмлар энг дабдабали уйларда, энг гўзал маишат воситалари ёрдамида, энг чиройли одамлар иштирокида суратга олинади. Улар фильмда катнашаётганларида ўзларини роса айш-ишратда яшаётганнамо килиб кўрсатишади, нопок озик-овкатларга, эхтиросларга берилиб хаёт кечиришади. Кинофильмлар шундай килиб кўрсатилади. Буни кўраётган мусулмон хаётда шунча ноз-неъматлар бор экан, нахотки шунча нарсадан махрум бўлиб яшасам деган хаёл унинг миясига уради. Бу хаёл унинг миясини тарк этмайди ва акли қолиб нафси билан фикр юрита бошлайди. «Шунча ноз-неъматлардан мени тўсаётган нарсани нима?». У унинг дини ва акидаси. Шайтон қулай фурсатдан фойдаланиб унга дини ва эътиқодини ёмонлай бошлайди, ҳамма бало шунда, сени шунча нарсадан тўсаётган будир, одамларни қарама-қарши килиб юришибди, деб унинг калбини васваса қила

бошлайди. Шундан кейин унда иккиланиш пайдо бўла бошлайди, дини, эътиқоди тебранади, калкиб безовта бўлади. Дин тебрангандан кейин у ўз саботини йўкотади. Натижада ибодатларни дангасалик билан адо қиладиган, қилганда ҳам кино қахрамонларининг гап сўзлари, хатти-харакатлари хақида хаёл суриб намозларини ўқийдиган бўлади ва бориб-бориб — Аллоҳ асрасин — намозни тарк қилиши ҳам мумкин.

Фильмлар томоша қилиш туфайли мусулмон динига бўлган гайюрлигини йўкотади

Фильм томоша қилаётган мусулмондан динига бўлган гайюрлиги кўтарилади, унинг ўрнига эса ўша кўраётган фильмидаги ахлоқ ва одатлар кириб келади. Кино кўраётган одам актёрлардан нафратланади, бир уларнинг башарасини кўриб уларга бўлган газабимни янгилаб олай, деб экран қаршида ўтирмайди, балки у роҳатланиб, хатто бутун вужуди кўз ва кулок бўлиб ўтиради. Аслида соф мусулмон: «Энг Хак Дин, энг олий хулқ ва энг олий хаёт тарзи, энг олий дунёқараш менда», деб қатъий эътиқод қилади. Агар бутун халойиқ бир томонда қолса-ю, унинг ёлғиз ўзи бир томонда қолса ҳам у ҳақдир, чунки у МУСУЛМОН унинг Йўли Жаннат Йўли, энг тўғри хаёт тарзи уникидир. Бошқалар йўлларининг охири Дўзах, хаёт тарзлари ботил, залолатдир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Албатта Оллоҳ наздида мақбул бўлган дин фақат Ислоҳ динидир**» Оли Имрон: 19.

Айни суранинг 85-89- оятларида бундай дейди: «**Кимда-ким Ислоҳдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Оллоҳ ҳузуринда) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у**

охиратда зиён кўргувчилардандир. 86. Иймон келтириб, пайғамбарнинг ҳақ пайғамбар эканлигига гувоҳ бўлишганидан кейин ва уларга далил-оятлар келганидан кейин кофир бўлган кимсаларни Оллоҳ қандай ҳидоят қилсин?! Оллоҳ зулм қилгувчи қавмни ҳидоят қилмайди. 87-88. Уларнинг жазоси — устларига тушажак Оллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънатидир. Улар азоблари енгиллатилмаган ҳолда дўзахда абадий қолгувчилардир ва уларга (бу азоб бирон лаҳза) кечиктирилмайди.»

Фильмларни томоша килаётган одамдаги динига бўлган гаюрлигининг кўтарилишига сабаб бу кино кахрамонлари кофир ва бадбахт инсонлардир. Бу кинолар куфр оламида кириб келган, у ерларда арок, зино харом, деб ҳисобланмайди. Демак, мазкур фильмлар оркали кириб келаётган фалсафа, дунё караш, турмуш тарзи мусулмонникининг гирт акси. Арокхўрлик базмлари, ярим ялангоч ойимлар билан ўйинга тушиш, бўса олишлар, охирги фильмлардаги "Тунги клублар"дан лавхаларга термилиб ўтирган мусулмоннинг диний гайрати қандай ҳам йўқолмасин?! Диний гайрати бор одам Аллоҳ харом қилган бирон иш содир бўлаётганини кўрса, Аллоҳ учун газаб қилиб, дархол бу мункар ишни тўхтатишга ҳаракат қилади. Кино томоша қилиб ўтирган мусулмонда гайрат қолмаганлигидан бировни қайтариш у ёқда турсин, ўзи қайтаришга мустаҳик бўлиб ўтирибди.

Аллоҳ ҳар бир мусулмоннинг калбига диний гайюрлик-жонкуярликни берсин!

Мусулмон одам кинофильмлар кўраётганида гайридинларнинг акидаларидан таъсирланади

Кинофилмларнинг аксарияти у ёки бу йўл билан уни ишлаб чиқарувчиларнинг динига тарғиб қилади ёки ўз акидасини томошабинларга сингдиришга ҳаракат қилади. Масалан, кино қахрамонлари бирор ишга киришаётганида, ёрдамга мухтож бўлиб қолганларида ўзларининг ботил олихаларига сигинадилар, ибодат рамзи бўлган ҳаракатларни қиладилар. Улар кинофильмлар орқали Яратувчи, ҳаётнинг бошланиши, гайб олами; фаришталар, жинлар, Жаннат ва Дўзах ҳақидаги ўз акидаларини тасвирлаб, томошабинларга сингдиришади. Натижада мусулмон киши фаришталарни ҳаёлига келтирса, қайсидир фильмда кўрган нуруний, (аёл шаклидаги) махлукотни тасаввур қилса, Жаннат ва дўзах ҳақида фикр юритганда дунёнинг энг гўзал манзараларини ёки қайнаб турган қатта дош қозонни кўз ўнгига келтиради. Холбуки, Жаннат ва Дўзах у тасаввур қилган нарсалардан минг чандон фарқли. Ҳаётнинг бошланишини эса Дарвин нарсарияси бўйича тушунади. Мусулмон киши қандай қилиб Одам алайҳиссалом ва Момо Хаввони ўз фарзандлари билан ибтидоий жамоа тузумида яшаган деб тасаввур қилади. Одам алайҳиссалом пайгамбар бўлган, Аллоҳ унга барча нарсаларнинг номларини ўргатган, Ўзи томонидан уларга қийимни туширган, нимани емок ҳалол нимани емок ҳаромлигини баён қилган. Буларнинг барчаларига далил Куръонда бор, баҳсимиз чўзилиб кетмаслиги учун уларни зикр қилмаймиз.

Булардан ташқари мусулмон киши кинофильмлар томоша қилиш сабабли кўплаб моддий, маънавий ва диний

зарарланади. Ахлоки бузилади, ўрناкни салаф солих қолиб киноактёрлардан олади. Биз зарарга одамлар тушунчаси билан эмас Ислон тушанчаси билан караймиз. Зарар Киёмат куни савобни камайтирадиган, ундан махрум киладиган ёки жазога мустахик киладиган хар бир харакат ва амал. Абу Масъуд розияллоху анху деди: «Расулulloх соллалллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Киёмат кунида одам фарзандининг оёклари тўрт нарсадан сўралмай туриб турган жойидан кимирламайди: Умридан; уни кандай ўтказди, йигитлигидан; унда нима амаллар килди, бойликларидан; уни каердан топиб, каерларга сарф этди ва (илмидан): унга кандай амал килди»»** (Имом Термизий ривояти: хасан хадис).

Мазкур хадисга кинофильмлар томоша килувчи мусулмонни солиб карайлик; кино унинг хаётидан соатлаб вақт олади, кайси оқил кино кўриш учун сарфлаган умрига, экран каршисида ёшилиқ кунларини хазон килганига, кино учун сарфлаган жарак-жарак пулларига Аллох менга ажр беради деб айтади?!

Кинонинг маънавий зарарларидан; томошабин кино кахрамонларига юриш-туришда, кийинишда, таомланишда, гап-сўзларда таклид килади. Бу алфоздаги мусулмонни кўрган киши унинг мусулмонлигида шубха килади.

Сериялларни томоша килиш оркали, билхусус, Мексика сериялларидан ака кандай килиб уканинг хотини билан ўйнашишни, ота кандай килиб ўглининг жуфти халолини ўзига маъшука килиб олишни, хотин эри йўк пайтларда кимлар билан, кандай килиб дон олишишни хуллас, турмушда кандай хиёнатлар бўлса барини ўта намунали суратда таълим олади. Бу нарсалар мусулмоннинг дини ва

ахлокига кўшиб охиратини ҳам барбод қилади. Кинофильм қахрамонига кўшилиб хурсандчилигига хурсанд, хафачилигига кайгуриб, унга кўшилиб кулиб, унга кўшилиб йиглашини гапирмасак ҳам бўлади. Бу ҳолатлар мусулмон қилиши керак бўлган Аллох учун дўстлашиш ва Аллох учун ёвлашиш ўрнига ана шу кофирларни яхши кўриш ва уларнинг душманларини ёмон кўришни жойлаштириб кўяди.

Кўз қалбнинг туйнуғи дейилган. Инсоннинг қалби оқ қозоғга ўхшайди, ҳар бир қилинган гуноҳ сабабли унга бир қора нуқта тушади. Нуқталар тушаверади-тушаверади охир оқибат қалб қаро қалбга айланади. Ана энди у яхшиликка буюрмайдиган ва ёмонликдан қайтармайдиган бўлиб қолади. У Аллох Азза ва Жалла Мутаффиийн сурасида хабар берган дил эгасидир: **«Улар жазо (Қиёмат) Қунини ёлғон дейдиган қимсалардир! 12. У (Қун)ни фақат барча гуноҳга ботган тажовузқоргина ёлғон дер! 13. Қачон (ундай қимсага) Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, у: «(Бу) аввалгилардан (қолган) афсоналар», дер. 14. Йўқ, (ундоқ эмас)! Балки уларнинг дилларини ўзлари қасб қилгувчи бўлган гуноҳлари қоплаб олгандир!»**

Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам аъзоларнинг зиносини зикр этарканлар: "Кўзнинг зиноси (ҳаромга) қараш" дедилар. Мусулмон эркак ва аёл Аллох таоло томонидан кўзини ҳаромдан саклашга буюрилган: "(Эй Муҳаммад соллalloху алайҳи ва саллам), **мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сакласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта Оллоҳ улар қилаётган ҳунарлардан хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга**

тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!** Ҳамда (зарурат сабабли) **кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини** (яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) **кўрсатмасинлар ва кўкларларини рўмоллари билан тўссинлар!"** (30, 31 оятлар).

Эй, мусулмон биродар, шунча гаплардан кейин яна кинога кайтасизми ёки ўзингизни бир ҳисоб-китоб килиб, сизни яратган, кўрадиган икки кўзни сизга неъмат килиб берган, тинч-тотувликда яшатиб кўйган Роббингиздан хаё килиб бу ишингизни ташлайсизми. Агар ташласангиз сизга Жаннат бўлсин! Ташламасангиз Одил Парвардигордан килмишингизга яраша жазо олишга ҳам тайёрланинг, У бандаларига зулм килмайдиган Одил Зотдир!

Биз бу суҳбатимизга Қоф сурасидан баъзи оятларнинг маъноларини келтириш билан якун ясаймиз. (танбех: Оятларда зикри келган "Кофир" калимаси мутлак кофирга ҳам, мусулмонман дея туриб Аллохнинг буйруқларидан юз ўгириб, унинг нематларига нонкўр бўлганларга ҳам далолат килади).

«16. Аниқки, инсонни Биз яратганмиз, (демак), унинг нафси васваса қиладиган (яъни кўнглидан ўтган барча) нарсаларни ҳам билурмиз. — Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз. 17. Зотан ўнг ва чап (томон)да ўтирган икки қабул қилгувчи (ёзиб тургувчи фаришта инсоннинг айтган ва қилган барча яхши-ёмон сўз-амалларини) қабул қилиб-ёзиб турурлар. 18. У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатгувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур). 19. Мана ўлим мастлиги (яъни жон чиқар пайти) ҳаққи-рост (етиб) келди.

(Эй инсон), **бу** (ўлим) **сен қочғувчи бўлган нарсадир. 20.** (Қайта тирилишга даъват қилғувчи) **Сур ҳам чалинди.— Бу** (кофирларга азоб) **ваъда қилинган Кундир! — 21.— Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳга) **хайдағувчи** (бир фаришта) **ва** (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик берғувчи** (бир фаришта) **бўлган ҳолда келди. 22.** (Эй инсон), **аниқки, сен бу** (оғир Кун)дан **ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни** (яъни мана бу Қиёмат Куни ҳақидаги шакшубҳаларингни) **очиб юбордик. Энди бу Кун сенинг кўзинг жуда ўткирдир. 23.** Унинг (Осийнинг) **яқини-хамроҳи** (бўлган, унинг қилиб ўтган гуноҳларини ёзиб-гувоҳлик берғувчи фаришта) **деди: «Мана бу** (номаи аъмол) **менинг ҳузуримда ҳозир у нозир бўлган нарсадир».** **24-25.** (Шундан кейин дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур): **«Барча** (Ҳаққа қаршилиқ қилғувчи) **қайсар, яхшилиқни манъ қилғувчи, зўравон ва** (Оллоҳнинг динига шак келтирғувчи) **кофир-кўрнамакни жаҳаннамга ташланглар! 26.** (Қай) **бир кимса Оллоҳ билан бирга бошқа бир «илоҳ» қилиб олса** (яъни ёлғиз Оллоҳга бирон нарса ё кимсани шерик қилиб олса), **бас, уни қаттиқ азобга ташланглар!» 27.** Унинг **яқини** (бўлган шайтон): **«Парвардигоро, уни мен туғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йироқ-залолатда бўлди», деди. 28.** (Оллоҳ кофир ва унинг шайтонига) **айтди: «Менинг даргоҳимда талашиб-тортишманглар, аниқки, Мен илгари сизларга** (кофир ва осий бўлганлар охиратда азобга гирифтор бўлишлари тўғрисида) **ваъда қилганман. 29.** Менинг даргоҳимда (ваъда қилинган) **сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилғувчи ҳам эмасдирман».** **30.** У Кунда **Биз**

жаҳаннамга «тўлиб битдингми?» дермиз, у эса «Яна кўшимча борми?» дер.

И з о ҳ . Юқоридаги оятларда ҳаёти дунёдан куфру исён билан ўтган кимсаларнинг Қиёмат Кунида кечадиган аҳвол-кўргуликлари батафсил баён этилгач, энди тақво эгалари учун тайёрлаб қўйилган жаннат манзаралари тасвирланади.

31. Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган (бир маконга) келтирилди (ва уларга дейилди): 32-33. «Мана шу (неъматлар) сизларга — ҳар бир (Оллоҳга) қайтгувчи, (ўз аҳдини) сақлагувчи (риоя қилгувчи), ғайбадаги Раҳмондан кўрққан ва тавба-тазарруъ қилган дил билан келган кишиларга ваъда қилинаётган нарсалардир. 34. Унга (жаннатга) тинч-омон киригингиз! Бу (кун) мангу (қоладиган) Кундир». 35. Улар учун у жойда хоҳлаган нарсалари бордир. Ва яна Бизнинг даргоҳимиздаги кўшимча (иззат-икром)лар ҳам бордир.»

Нашрга Ислом Нури тахририяти тайёрлади

5. Фильмлар инсон калбидаги гализаларини тебратиб, кўзгатиб, чиқариб юборади

Ҳар бир инсон ичида шахват йигиндилари йигилиб турган бир тўда бўлади, худди арилар инига ўхшаган. Мана шу нарсани ичида яшириб, камайтириб, билдирмасдан юрадиган нарса унинг дини, одоби бўлади. Дини туфайли ўшандай шахватпараст бўлиб кетишдан сакланиб туради.

Фильмларда ялангоч жасадларга караганда, шахвоний ҳаракатларга караганида, шахватга тегадиган севги изхорларини эшитганида унинг ичидаги шахват гализалари кайнайди, фильмлар ундаги шахват гализаларини отиб чиқариб юборади, худди ариларнинг инини бузиб юборгандек. Кейин у кўзгалиб, ёрилиб чиққан шахват яна шундайлигича телевизор ўчирилганидан кейин яна ўрнига тушиб қолмас экан балки у тўядиган, қоникадиган восита керак бўлади шундагина бу одам тинчиши мумкин бўлмасам асаб-асаблари билан ўша нарсага машгул бўлиб туради. Агар у мусулмоннинг оиласи бўлса майли аммо ёш йигит ёки кизлар бўлсачи? У кейин нима қилади? У бузук йўлларни кидиришни бошлайди. Шунинг учун ҳам баъзан зино қилмоқчи бўлиб, шахвати кўзгалган одамга қарасангиз унинг йўлида нимадир чиқиб қолса ўлдиради ёки нима қилса қилади чунки у ҳозир мажнун токи ўша иши битмағунича. Кейин бу одамлар ўша воситани кидиради, қимдир Аллоҳ асрасин зинога боради, қимдир гиёҳвандликдан ўша нарсени қондиришни кидиради. Чунки ўша нарсадан қутилиш керак бўлмасам у тинчимайди. Шунинг учун фильмлар инсонга бузук тарбия бериб, мужрим, зинокор қилиб етиштиради. Бу фильмлар кўришни бешинчи зарари.

6. Фильмларни томоша қилиш инсоннинг соғлигини

йўқотади

Фильмларни кўраётганда узок тикилиб, ҳар хил рангларга тикилиб қараб туриш инсоннинг кўзига қандай зарар бўлмасин. Яна фильмлар томоша қилаётганда узок вақт бир хил берилиб ўтиради, худди кинонинг ичида

катнашаётгандек бир хил кимирламасдан ўтиради. Бу эса ўз навбатида соғлигига зарар, кон юришлари бўладими ва х.з.. Энг огири асабларни бузиб юборади чунки кино асабларни ўзига боғлаб юборади. Натижада кино кўраётган одам яхши кўрган кахрамонини душмани чикканида асабийлашиб кетади, телевизорни ичига кириб уни уриб юборгиси, ёрдам бергиси келади. Ҳаки яхши кўрган кахрамонини бошига мусибат тушганида йиглаб беради. Лекин Аллох учун йиглай олмайди шунинг учун ҳам илм ахли: «Йиглаш ўн хил бўлади, тўккизтаси Шайтон учун биттаси Рахмон учун», деб айтишади. Фильм кўраётган одам унга шунчалик боғланадики кахрамони хурсанд бўлса карсак чалади, йигласа йиглайди ва х.з., яъни асаблари ўша билан боғланиб кетади. Энди биродарлар кечирасизларку, кўполрок бўлса ҳам айтамыз агар мабодо шу фильм тугашига ўн минут колса ва бу кинофильмнинг охири нимадур бўлиб тугаши керак ё фильм кахрамони фойдасига ёки зарарига аник эмас шунда хожатхонага бориш зарур бўлиб колса кино кўраётган одам бормайди, тушунмай коламан дейди. Унга кимнингдир тушинтириб бериши кифоя килмайди, кани энди видео бўлса-ю уни ўчирса лекин баъзилар уни ҳам ўчирмайди, сабр килади балки хушуъ-хузуъ билан «ибодат» килаётган бўлади, бошка нима ҳам дейсиз. Яна бугунги кунда бу фильмлар ичида «фильмларнинг вабоси-ужас» фильмлари бор. Бу кандай бир мусибат, ким ундан хаёт ўрганани ё ибрат олади ё тарих ўрганани ё ривожланани ё нима бўлади? У инсонни бузиб, халокатга олиб боришдан бошка нарса эмас шунинг учун шундай фильмларни тўхтамасдан, кечаси кўраётган одам кечкурун хожатхонага бориб келишга ҳам кўркади. Бу албатта, инсон соғлигига зарар ва инсонни узок вақт

ухлатмасдан ўзига махлиё килиб олиб ўтиради. Фильмга берилган одам ўн иккидан олдин ухлашга ҳеч кимни кўзи етмаса керак, валлоху аълам. Телевизор билан хайрлашиб кейин ухлайди. Натижада кейин нима бўлади? Таҳажжуд тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас балки бечора, мазлума хотини келиб, зўрга титраб уйготади, хотини уйготаётганида хотинига бакиришдан кунни бошлайди ёки хотини уйготиб эри урушишидан кўркиб кочиб кетади. Бу жаҳл билан уйгонган эрнинг куни хушмуомала, хуштабиатли бўлади дейсизми, йўк унинг куни жаҳл, газаб билан ўтади ва х.з.. Байрам кечаси телевизордаги ҳар хил чалгитувчи кўрсатувларни кўрган одамлар тонг оттирганларида кўзларига бир назар солинганлар, агар мабодо кулса шам жаҳл билан кулаётган бўлади ёки ҳозир сизни ямламай ютиб юборадигандек бўлиб туришини кўриш мумкин. Аллоҳ кечани биз учун ором оладиган, дам оладиган килиб яратган. Кечаси инсоннинг барча аъзолари дам олади, эртасига эрталаб қувват йигиб соғлом табиат билан хизматига, ибодатига туриши керак эди лекин у ўша нарсалардан маҳрум бўлади.

7. Фильмлар орқали наркотиклар тарғиб қилинади,

ташвиқ қилинади ва тарқатилади

Биз наркотик моддаларнинг нима эканлигини қаердан билдик агар кинолар бўлмаганида ёки кимдир олиб келиб кўрсатдимиз? Йўк, биз буни кинолардан ўргандик. Наркотиклар қандай тарғиб қилинади? Миср аҳолисининг 60% нашавандлари нашани ҳаром эмас, ҳатто макруҳ ҳам эмас деб эътиқод қилишар экан. Сабаби нима дейилса? Араб

давлатларини ичида олган кинофильмлари кўп бўлган давлат Миср хисобланар экан. Шунинг учун киркта араб давлати бўлса киноси кўплигидан хаммаси Миср шевасини билади, деб айтишади. Экспертлар, таджикотчи олимларнинг берган маълумотларига караганда наркотик моддаларини таркатувчи восита фильмлар бўлади, деб хулоса қилишган. Маслан, бир фильм кўрсатилади ва у фильмда наркотик моддага қарши гўё бирон бир куч, полиция, хавфсизлик хизматлари, фидоийлар қурашаётган бўлишади лекин булар токи битта наркоманни ушлагунча у фильмни бошидан охиригача наркотикни қандай яшаш, қандай топиш, у қандай истеъмол қилиш, ундан қандай роҳатларни қелиши ва бошқалари ҳуллас хаммаси ўргатилиб бўлиниди ва охирида ҳалиги наркоман ё қўлга тушади ёки наркотик тақилқанади. Лекин бу охириги гап бор йўғи саҳнадаги пардани ёпади ҳолос ва бундан бошқа нарса эмас. Демак наркотикка қарши қурашаман деган одам биринчи фильмларга қарши қураши керак экан.

8. Фильмлар оила аъзолари, қариндош-уруғлар орасидан силаи раҳмни қесиб, қўтариб йўқ қилиб юборади

Фильмлар орқали ота-онани қандай ташлаб қетишлик ўргатилади, ота-она билан қандай муносабатда бўлиш қерқлигини ўргатади, яъни бузук нарқларни ўргатади. Фильмлар орқали соппа соғ фарзандлари бор бўлган хотинин ташлаб зино қилиб юришни ўргатади. Бадбахт сериаллар орқали эри йўқлигида ҳхотин қандай ишлар қилиши қерақлигини, қандай зино қилиш қерак, қандай шахват сўзлар билан гапирса одамни маҳлиё қилиб зино қила олади ва бундан бошқа кўп кўп ифлос, жирқанч нарқаларни ўргатади.

Натижада оилалар бузилиб, пароканда бўлиб кетади, силаирахм инсонлар ўртасидан кўтарилади.

9. Фильмлар кўп моддий зарар келтиради

Масалан, ўн, ўн беш йил олдинги замон билан hozirги замонни олсак туппа тузук телевизор бор бўлган одамлар, hozir янги пультли телевизор чикибди, деб хамма сотиб олган. Hozir биз муслмонлар тўғрисида гаплашяпмиз, бошқаларни кўйиб турайлик. Олдин оилаларда битта телевизор бўлар эди, hozir хар битта уйланганни ётоқхонасида телевизор бўлмаса замондан колиб кетган куёв хисобланади. Антеналар сотиб олинади ва кабелний телевидениеларга уланиб хар ойда тўланиб турилади, канча-канча харажатлар килинади. Бугунги кунда телевизорлар янгилашиб келинаётган бир пайтда уни фитна босади, яъни алиштиришим керак экан бу энди модадан колиб кетибди, деганга ўхшаш. Бу фильмларни моддий зарар келтиришидир.

Кўшимча

Кўп фильмлар кўришни таъсирларидан яна бири, кўп фильмлар кўрувчи одам ўзини кофирларга ўхшатиш деган иллат унда пайдо бўлади. Натижада уларга ўхшаб сочини олади, уларга ўхшаб сўзлашади, уларга ўхшаб харакат килади хатто баъзи бир араб диёрларида агар узун ок кўйлакларни кийса фариштадек юрадиган кўйлакларни, соколларни йўқотиб Поп Марли, Майкл Жексон ёки шунга ўхшаганларга ўхшаб харакат килиб юрадиганлар бўлар экан. Кизик бир томони шуки, шундай бир балога мубтало бўлганлар, менга фалонча прическани килиб беринг, аёллар, эркаклар

боришади. Ва баъзи бир мусулмон одамларни диндан чалгитувчи кўрсатувларни кўриб, бир гап гапираётганида, фалончи аскиячи айтгандики, деб ўшани гапини далил килиб келтириб гапини зийнатламокчи бўлади. Вахоланки, мусулмон: «Роббим айтган, Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам айтганлар», деб айтиши керак эди.

Хулоса

Хар бир мусулмон бу тўғрисида:

- **Жиддий фикр юритиши керак;**
- **Нималар килаётганлиги, соатлаб ўтаётган вактлари нима билан ўтганлиги хақида фикр юритиши керак;**
- **Бу мавзуни мусулмон ахлига таркатиш керак;**
- **Бу мавзудан гафлатда қолиб кетмаслик керак;**
- **Кофирларнинг макридан гафлатда қолиб кетмаслик_керак!!!**

Аллох таоло хаммамизни гуноҳларимизни кечириб Сиротол мустақимга соботли килиб мана шу фильм ва шунга ўхшаш нолейик нарсалардан тийилишда сабрли килишини Аллохдан сўраймиз. Амиин.

Намозда инсон хаёл суриши ёки ичида гаплашганида намози кабул бўладими ёки кабул бўлмайдими

Маълумки Аллох Таоло бу умматни ичидан ўтаётган нарсаларини кечириб юборган, агар уни тилига олиб чиқиб гапириб юбормаса ёки ўшанга амал қилмаса. Пайгамбар соллalloху алайхи ва саллам: «*Аллох умматимдан шуни кечирди*», дедилар. Агар мана шу хадис бўлмаганида балки

хаёл сурилган намозлар ботил бўлар эди. Шу хадис бўлганига Аллохга хамд бўлсинки ва шу хадисга таяниб намозлари ботил, деб айтмаймиз. хаёл суришларнинг ўзи икки қисмга бўлинади: бир хил хаёл бор инсон ичида сўзлашиши бор, бу ихтиёрий бўлади, ўз ихтиёри билан хам намоз ўқиётган бўлади хам шуни хам бажариб олайин, деб масалан дунёвий, тижорий ишларини бу эса намознинг савобини кетказди. Бу одам намоз ўқиган бўлади, фарз зиммасидан соқит бўлган бўлади, азобга тортилмайди аммо савоб, муқофот унга берилмайди. Лекин бу ерда бир нарса борки Умар ибн Ал-Хаттоб розияллоху анху: «Мен намоз ўқиётганимда лашкарларни тартиблаштираман, режалаштираман, жихозлайман», деб айтганлар. Бунга нима деб айтса бўлади? Бу нафл ибодатлар бўлади. Нафл ибодатда Умар ибн Хаттоб бу ишни қилишларининг сабаби, нафл ибодатнинг савоби битта ўзларига аммо лашкарни жихозлаш ва шунга ўхшаган тайёргарликлар хақида хаёл юритиш, режалаштириш эса умматнинг манфаати. У манфаат бу манфаатдан каттарок бўлгани учун намоз ўқиётганимда шу ишни яхши қиламан, деганларига у кишини ҳеч ким маломат қилмайди. Аммо сиз намоз ўқиётганингизда сизга ҳужум бўлади, васвасалар бўлади масалан, сиз хаёл сурмасликка, ичингизда гаплашмасликка уринасиз аммо сизга ҳужум бўлади ва сиз бу ҳужумни қайтаришлик учун таржимасини билган оятларингизни ўқийсиз ёки узун сураларни ўқийсиз лекин ҳужум бўлиб туради мана шу ҳолатда намоздаги савоб кетмайди чунки сиз унга қарши қурашдингиз.

Илм аҳли инсонни намозда қалғишини уч қисмга бўлишади:

1. Сиз намозда турганингизда намоздан ташкаридаги дунёвий нарсаларни эсингизга солишингиз билан Шайтон сизни чалгитади масалан, фарзандингизни, фарзандингизнинг гап сўзларини, тижоратингизни, олди-сотдингизни, муомалаларингизни эслатиб сизни намозда чалгитади. Бу **Х А Т А Р**, бунга карши курашиш керак!!!

2. Сиз намозда турганингизда намоздан ташкаридаги диний масалаларни сизга келтиришлик билан сизни намоздан чалгитади масалан, намоз ўқиётганингизда бошка бир оят хакида фикр юритиш ёки фалон бир нарсага амал килиш ёки рўза тутиш, сахарлик килиш, ифторлик килиш ва hozir намоз тугаганидан кейин мен Куръон ўкийман, у киламан бу киламан, деб намоз тугаб бўлади ва балки Куръон ҳам ўкимади, бу ҳам ютказган бўлади.

3. Сиз намоз ўқиётганингизда намозни ичидаги сиздан ўтиб кетган, сиз тиловат килган оятларга хаёлингиз кетиб қолади бу Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам, салафлар килган иш. Масалан, «Фотиха» сурасини ўкийсиз, *Малики явмиддин*, деб оятни у ёгига ўтиб кета олмайсиз, хаёлингиз Киёмат кунига кетди, сиз hozir Аллохнинг олдида турибсиз, hozir У билан муомала бўлади, Сирот кўприги, Тарозуда амалларнинг тортилиши ва бошкалар, сиз эса *Малики явмиддин, Малики явмиддин, Малики явмиддин*, деб кайта-кайта ўкийверасиз. Ибн Аббос розияллоху анхумо: **«ўлим, жон топшириш. . лиги келди, сен бундан кочадиган нарса эди»**, деган оятни тунда бошлаган эдилар ва йиглаб такрорлайверганларидан тонг отган эди. Шу оятни ўкийдилар йиглайдилар, ўкийдилар йиглайдилар, хаёллари ўлимга, ўлимдан кейин нима бўлади хуллас хаёл мана шу нарсаларга кетади. Бундай хаёл билан намоз ўқиш яхши

намоз ўқиш, бунга тадаббур, фикр юритиб, чукур маъноларига ахамият бериб ўқиш, дейилади. Валлоху аълам.

Касаллик юкадими

Касаллик юкиш ёки юкмаслик тўғрисида иккита хадис келади. Кўринишидан хадислар бир-бирига карама карши. Биринчи хадис шуки: *«Вабо таркалган шахарга кирманглар ва унда бўлсанглар ундан чикманглар»*, дейилган. Бу хадисга карасангиз касаллик юкиши тушунилади. Иккинчи хадиснинг маъноси шуки: *«Шумланиш ва касалнинг юкиши йўқдир»*, деган сахих хадис. Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам, касал юкмайди деганлар. Бу икки хадисни қандай жамласак бўлади?

Аслида касал юкмайди, лекин Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам, инсон ўзига касални юктиришга сабабчиси бўлмасин деб, эҳтиётга чақирдилар. Сабабларни олиш бизнинг шариятимизга муҳолиф эмас (масалан грип касали ёки юкимли касаллик билан касал бўлган одамдан ўзимизни эҳтиёт қилишимиз). Лекин касаллик бир одамга юккан бўлса унинг касал бўлишини Аллох тақдирига ёзилгани учун унга юкди. Шунинг учун грип касали билан касалланган одамнинг олдида иккита одам ўтиради биттаси касал бўлиб биттаси соғ бўлиб кетаверади. Бу икки одамнинг иммунитетлари ҳам бир хил, соғ-саломатиги ҳам бир хил одам ўтирди дейлик, шунда Аллох касал бўлганини тақдирлаган, соғ кетганини касал билан тақдирламаган. Демак касаллик юкиши инсонни тақдирида бўлса юкади бўлмаса юкмайди. Каердандир касалликни келиши бу бир сабаб, Аллох бир нарсани сабаб қилиб кўяди. Валлоху аълам.

Бунга мисол, бир одам айтсаки, менинг ризким тугаганми ёки тугамаганми, деб ҳеч нарса олмасдан чўлга кетса, бундай одамни жохил дейилади. Бу инсон Аллохни имтихон қилмокчи бўлган бўлади. Шаратда бир қоида бор: **«Аллох имтихон қилади аммо имтихон қилинмайди».**

Савоб етиб бориш масаласи

«Солиҳ амалга далолат қилса ўша қилган одамнинг ажрича савоб олади унинг ажри қамаймаган ҳолда», дедилар Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам. Бу дегани масалан сиз ўнта шогирд тарбияладингиз, булар сиздан ҳамма илмингизни олишди ва шундай қилиб улар орқали сизни илмингиз тарқалиб кетди. Шу илм Қиёмат кунигача нечта одамга етса сизга шунча савоб келаверади. Энди Пайгамбар соллalloху алайхи ва салламгачи, уларга бехисоб савоб етиб бораверади, иншааллох.

Мавзу [Ислом Нури](http://www.islamnuri.com) веб саҳифасида нашр қилинган